



Ислом Нури

2308 марта кўрилган

Муаллиф: Абдулмалик Косим

Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Хамду санога лойик, садокатлиларни садокатлари эвазига ўз раҳмати ва фазли билан мукофотловчи, каззобларни эса хохласа ўз хикмати ва адолати билан жазолайдиган Аллоҳга хамдлар бўлсин. Мен «Хукмида ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Унинг бандаси ва расули бўлмиш Мухаммад махлукларининг энг афзалидир (Аллоҳ Унга, Унинг оиласи, саҳобалари ва Унинг йўлига эргашганларга салавоту саломлар йўлласин!)»- деб гувоҳлик бераман.

Бундан сўнгра:

Ислом Уммати ичида эзгуликларни йўқотиб, ёмонликларни жалб киладиган кабир касаллик ёйилди. Бу касалликни Аллоҳ таъолонинг катта неъматлари ва Унинг гўзал яратувчилигига далолат қилган кичик бир махлук ташимокда. У – олийжаноблик ва пасткашлик, юксалиш ва тубанлик намоён бўладиган тилдир...

Баъзи ўтиришларда бу тил хатарли, харом ва ифлос нарса – истехзо ва масхаралашларга ҳам тегмокда. Бу эса, у инсоннинг ёмон ниятли, қалби қора ва диний ишларга оз эътибор беришига даракчидир. Аллоҳ таъоло деди: **«Эй мўъминлар, бир қавм бошқа бир қавм устидан масхара қилмасин! Шояд улар булардан кўра яхшироқдир. Хотинлар ҳам (бошқа) хотинларни масхара қилмасинлар, шояд улар булардан кўра яхшироқдир»** (Хужурот: 11).



Ислом Нури

Масхаралашнинг маъноси: камситиш, тажирлаш. Бу – гоҳо ҳаракат ва сўзлар ва гоҳо ишора ва иймолар билан бўлади.

Истехзо (масхара)нинг энг ашаддий ва ҳатарлиси – дин ва диндорлар устидан килинганидир. Унинг ҳатарли ва катта гуноҳ бўлгани учун ҳам уламолар Аллоҳ, Аллоҳнинг дини ва пайгамбарини масхаралаш Ислом миллатидан бутунлай чиқарадиган очик куфрдир, деб қарор қилдилар.

Шайхулислом ибн Таймийя раҳимахуллоҳ: *«Исломга кирганидан сўнг Аллоҳ, Аллоҳнинг оятлари ва пайгамбари устидан масхара қилган одам очик куфр амалини қилгани учун кофир бўлади ва Ислом миллатидан бутунлай чиқади».*

Бугунги кунда масхара ва истехзонинг турлари ҳам кўпайди. Баъзилар хиҷоб, баъзилар шаръий ҳукмларни ижро этиш, баъзилар эса амру маъруф ва наҳй мунқар қилган кимсалар, ҳатто соқол ва шимларнинг ошиқлардан паст қиймаслик қаби расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари устидан масхара қилмоқдалар.

Фатвонинг Доимий Хайъати томонидан соқолли одамни: *«Эй соқол!»* дея истехзо билан чақирган одамнинг ҳукми ҳақида берган фатвосида ушбу жумлалар бор: *«Соқол устидан истехзо қилиш қаттиқ гуноҳдир. Агар: «Эй соқол!» деб айтган одам истехзони қасд қилган бўлса, куфр ишни қилган бўлади. Агар танимоқчи бўлса, унинг бу иши куфр бўлмайди, балки, у одам бу сўзни айтмаслиги керак».*

Диний амалларни қилган одам устидан масхара қилишнинг ҳатарини яхши билишимиз керак. Келинг, Тавба сурасида тиловат қилинаётган ушбу оятларга қулоқ солайлик: **«Қасамки, агар улардан (нега**



Ислом Нури

сизнинг устингиздан кулганлари хакида) сўрасангиз, албатта улар: «Биз факат бахслашиб, хазиллашиб келяпмиз, холос», дейдилар. Айтинг: «Аллохдан, Унинг оятларидан, Унинг пайгамбаридан кулувчи бўлдингизми? Сизлар узр айтманглар! Сизлар иймон келтирганингиздан сўнг яна куфрга кайтдингиз. Агар сизлардан бир тоифани (чин ихлос килганлари учун) афв килсак, бошқа бир тоифани жиноятчи бўлгани учун азоблаймиз» (Тавба: 65, 66).

Бу оятнинг нозил бўлиш сабаби куйидагичадир: Мунофиклардан бири: *«Кориларимиз ичимиздаги энг корнини ўйлайдиган, энг ёлгончи ва душман каршисида энг кўркоклар деб ўйлайман»*- деди. Бу хабар расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга етиб борди. Бунини эшитган мунофик расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хузурига келиб, Ул зотнинг туяларининг тизгинидан ушлади ва: *«Биз бахслашётган ва хазиллашаётган эдик»*- деди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: *«Аллохдан, Унинг оятларидан, Унинг пайгамбаридан кулувчи бўлдингизми?»* оятини охиригача ўқиш билан жавоб бердилар. Туянинг тизгинига осилган мунофикнинг оёқлари тошларга кокилар, бироқ, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам унга бокмас эдилар.

Расулуллохс соллаллоху алайхи ва саллам одамларнинг энг рахмлироғи, одамларнинг узрларини қабул қилувчироғи экани маълум. Шундай бўлсада, у зот масхара қилган одамнинг узрини қабул қилмадилар, балки, масхара ва истехзо қилган одамнинг узрига бокиб ҳам қўймадилар.

Мухтарам ўқувчи, Аллох таъолонинг юкорида зикр қилинган оятда у мунофикларнинг кофир бўлишларидан аввал мусулмон бўлганларини



мулохаза килган бўлсангиз керак: **«Сизлар иймон келтиргандан сўнг кофир бўлдингиз».**

Ибн Жавзий раҳимахуллох «Зодул-муяссар» китобида: «Бу – куфр сўзини жиддий ва ҳазиллашиб айтишнинг фарқи йўқ эканига далолат килмокда»- деди.

Шайх Носир Саъдий раҳимахуллох шундай деди: «Аллох ва Аллохнинг пайгамбари устидан кулиш Ислом динидан чиқарадиган куфрдир. Чунки, диннинг асоси Аллох таъоло, Аллох таъолонинг дини ва пайгамбарини улуглаш билан бўлади. Улардан бирортасининг устидан кулиш эса бу асосга зид ва ашаддий тарзда тескаридир».

Шайх Муҳаммад ибн Иброҳим раҳимахуллох шундай деди: «Баъзи одамлар дуч келсинлар, келмасинлар илм ахлларининг орқасидан турли бемаъни гапларни айтадилар. Масалан: «Сўпи», дейдилар. Бундай сўзларни талаффуз килган одамларнинг муртад бўлиш хавфи бор. Чунки, улар Аллох таъолога таот-ибодат килганлари учун одамлардан интиком оладилар».

Аллох таъоло масҳара килган одамларнинг мўминларга нисбатан ҳолатлари ҳамда охираатдаги мақомлари ҳақида шундай деган: **«Кофирлар учун дунё ҳаёти чиройли килинди. Улар иймон эгаларининг устидан куладилар. Холбуки, такводор кимсалар киёмат кунда улардан баланддирлар. Аллох ўзи истаган кишиларга ҳисобсиз ризк беради»** (Бақара: 112).

Бу ишларнинг истехзо-масҳара эканлигини билдирилса, баъзилар: «Биз динни ҳам, у одамни ҳам касд килмадик. Балки, ҳазил килиб, кулишаяпмиз, холос»- дейдилар. Бу одамлар у ҳазил ва кулишнинг



окибати нима эканини билмайдиларми?!

Ахир бу ишларнинг окибати – бу дунёда хорлик, халокат ва барбодлик, охиратда эса давомий азобдир.

Аллох таъоло деди: **«(Аллох) деди: «(Жаханнамда) хор бўлингиз ва Менга сўз котмангиз! Аникки, бандаларимдан бир гурух бор эди. Улар: «Роббимиз, Сенга иймон келтирдик. Бас, Сен бизларни магфират килгин ва бизларга раҳм айла: Сен ўзинг раҳм килувчиларнинг раҳм килувчирогидирсан», дер эдилар. Сизлар уларни масхара килдингиз, хатто улар(нинг устидан кулиш) сизларга Мени эслашни унуттирди. Сизлар улардан кулган эдингиз. Мен бугун уларни (сизларнинг азоб-у кубатларингизга) сабр-токат килганлари сабабли мукофотладим - улар хакикий (бахт-саодатга) эришгувчидирлар»** (Мўъминун: 108 - 111).

Битта оддий инсон устидан мазах килиб кулишнинг ўзи катта зулм ва тажовуздир. Шундай экан, мўъминлар ва мўъминалар, динга катъий риоя килган эркагу-хотин-кизлар устидан мазах килиб, кулиш хакида нима дейсиз?! Аллох таъоло деди: **«Мўъмин ва мўъминаларга килмаган нарсалари эвазига озор берадиган кимсалар катта бўхтон ва очик гуноҳни килибдилар».**

Аллох таъоло тоат-ибодат килиш учун яратган тил, ўз эгасини халокатларга етаклайди. Хусусан, эҳтиётсиз бўлса уни айблайди, бунинг устидан кулади... Баъзиларнинг хаётига назар ташласангиз, ўтиришларини кулгу, латифа ва мазах килишлар билан ўтказадилар. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам бу ишнинг хатар ва халокатларидан огохлантириб шундай дедилар: **«Одам**



Ислом Нури

атрофидагиларни кулдириш учун ўзининг назарида оддий бўлган бир сўзни айтади-ки, бу сўз сабабли Дўзахдан Осмондан ҳам узокрок бўлган масофага тушади» (Имом Ахмад ривояти).

Мусулмон дўстим, Аллохга осий бўлинаётган ўтиришларда иштирок этманг. Чунки, Аллох таъоло шундай деган: «Ахир Аллох таъоло сизларга Китобда: **«Қачонки Аллохнинг оятлари инкор ва масхара қилинаётганини эшитсангизлар, то бошқа гапга ўтмагунларича улар билан бирга ўтирманглар»** деган сўзларни **нозил қилган эди-ку?! (Модомики, улар билан бирга ўтирар экансиз), демак, сизлар ҳам шак-шубҳасиз уларнинг ўзисиз. Албатта, Аллох барча кофир ва мунофиқларни жаханнамга жамлагувчидир»** (Нисо: 140).

Сиз уларнинг бу қабих ишларини имконингизга қараб инкор этишингиз ёки у ўтиришни тарк этишингиз керак.

Сиз доимо Аллох таъолонинг ушбу: **«У бирон бир сўзни айтар экан, ҳузурида ўта огоҳ назоратчи бордир»** (Коф: 18) оятини кўз олдингиздан кетказманг!

Тилингизни доимо эҳтиёт қилинг! Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: *«Одамларни юзлари билан тиллари қилган нарса (жаханнамга) улоқтирмайдими?!»*- дедилар (Имом Термизий ривояти).

Аллох таъоло тилларимизни покласин, кулоқларимизни ёмон нарсаларни эшитишдан сакласин.

Барча ҳамдлар Аллохга бўлсин!



Ислом Нури

Улар билан бирга ўтирманг! | 7

* * *